



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «31» июль

VI-32-56-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда
Давлат активларини бошқариш агентлиги масъул вакилларининг ҳисоботи
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш департаменти ўринбосари Инамов Фазлиддин Абдуолимович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти ўринбосари Уралов Баходир Бобоқулович ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқармаси бошлиғи Ахмедов Шароф Шодимуродовичнинг ҳисботларини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгashi қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш департаменти ўринбосари Инамов Фазлиддин Абдуолимович, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги оилавий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти ўринбосари Уралов Баходир Бобоқулович ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқармаси бошлиғи Ахмедов Шароф Шодимуродовичнинг ҳисботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигига Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли (02-PA 1-9900, 14.06.2021 й.) йиғилиш баёнида белгиланган ва бугунги кунга қадар жараёнда бўлган Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўйича 5 та, Молия вазирлиги бўйича 9 та ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги бўйича 3 та топшириқлар ижроси юзасидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, бир хафта муддатда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва йиғилиш баёнларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларида, Давлат дастурларида Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш;

келгусида Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманлари архитектура ва шаҳарсозлик қиёфасини, ижтимоий ва иқтисодий соҳа обьектларининг инфраструктурасини яхшилаш, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқсан ҳолда ижросини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев) Қизирик тумани бўйича, Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Музработ тумани бўйича, Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиков) Термиз шахри бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли (02-РА 1-9900, 14.06.2021 й.) йиғилиш баёнида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин, амалий ишлар натижаси бўйича ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишларида ҳисобот бериб борсин.

4. Ўн кун муддатда Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг 32-сессиясида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги масъул вакиллари маҳаллий Кенгашлар депутатларидан тушган саволлар бўйича ишларнинг бажарилиши юзасидан аниқ муддатлари кўрсатилган ёзма ахборотни ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашига киритсин.

5. Юқорида белгиланган вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.